

40-сонли ШАРТНОМА
(Лойиҳавий таъминлаш)

Тошкент ш.

“1” апрель 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК номидан директор **Д.Юсупов** ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган "Сурхондарёйўллоиха" институти **МЧЖ** номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Т.Жўраев** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли карори, тасдикланган лойиҳа-кидирув ишлари манзили рўйхатига ва Тендер комиссияси иғилишининг 2022 йил 18 апрелдаги (ЛОТ №57092) баёнига асосан куйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириги бўйича белгиланган муддатда **Сариосиё** тумани "Боғча" аҳоли пунктидан **Шаҳрисабз** тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунилкдаги йўл қуриш обьектининг ишчи лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур хужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул килиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йид 4 апрелда тасдикланган топширикка ва соҳага оид конун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишга, кидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета хужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиш, муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни ва АПЗ тайёрлаш, обьектнинг лойиҳавий таянч нукталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлик бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, кидирув ишларини бажариш, экспертиза хulosасини олиш ва буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Газначилигига рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, 150 кун муддатда тутатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташкири). Ушбу маддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня хисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета хужжатларига экспертиза хulosасини олгандан сўнг 15 кун ичидаги 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь. Кейинги йилга ўтса қўшимча келишув имзоланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

2.1. Шартноманинг баҳоси 1-иловага мувофиқ **ҚҚС** билан **17 999 992 000** (ўн етти миллиард тўққиз юз тўқсан тўққиз миллион тўққиз юз тўқсан икки минг) сўмни (шундан 2022 йилда **17 949 992 000** (ўн етти миллиард тўққиз юз кириқ тўққиз миллион тўққиз юз тўқсан икки минг) сўми лойиҳа ва кидирув ишларини ишлаб чиқишга, **50 000 000** (эллик миллион) сўми обьектда муаллифлик назорати ишларини бажариш учун ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичидаги жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 15% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.


2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул килиш ва бошқа лозим хужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичидаги ажратилган аванс маблаги миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета хужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул килинади.

Объект бўйича экспертиза хulosаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета хужжатлари Буюртмачига юк хати оркали тақдим этилгандан кейин колган маблаг (муаллифлик назорати харажатларидан ташкири) топшириш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.



2.6. Экспертиза хulosаси олингандан сўнг шартноманинг умумий экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг курилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қайта кўриб чикилиши мумкин, бунда объектнинг лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ишлари учун қўшимча шартнома имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг хаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим боскичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг ёки бажарилган кидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзгатилган даъво аризасидан ишда катнашишга Пудратчини жалб килиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиккандан сўнг, лойиха-смета хужжатларини тегишли экспертизадан ўтказишини ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиха ва кидирув ишларини бажариш учун топширикдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чикишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойихалаш ҳақидаги топширик ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофик бажариши; тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини ва кидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиха-смета хужжатлари ва кидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатларида ёки кидирув ишларida камчиликлар аникланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чикиш ва шунга мувофик зарур қўшимча кидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар конунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиха ва кидирув хужжатлари асосида объект курилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиха-смета хужжатларини бажариш топширик талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида боскичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан хужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисбот хужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.


4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофик ёки мувофик эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чикиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиха бўйича хulosса учун мурожаат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиккан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш максадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.



6. Қўшимча шартлар

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чикиш ишларини муддатидан олдин бажарган холда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулокат йўли билан ҳал килинмаган муаммолар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал килинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя килган холда, кўриб чикилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чикиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ўрнатилган тартибда маълум қилган холда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш хукукига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вактида ўтказилмаган холда кечикирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечикирилган вактга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим хужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлик ўз мажбуриятлари кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўланади, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар амал қиласи.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чикиши бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

7. Томонларининг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил
йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш
дирекцияси” ДУК

100000.Тошкент шахри,
Мустакиллик шоҳ кўчаси 68-үй.
Тел: (71) 237-32-04
x/p: 3045 1086 0262 6970 45 112 118 099
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазничилиги Амалиёт бошқармаси
x/p: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН: 304 803666
МБ Тошкент шахар бўйича ББ ХКМ



Директор

Д.Юсупов

“Пудратчи”

“Сурхондарёй ўлойиҳа” Институти МЧЖ

Термиз шахри,
Нодира кўчаси, 6-үй,
Тел: 93-790-97-77 (Навруз),
99-674-01-10 (Шухрат), 93-790-00-01
X/p: 2020 8000 9003 1188 7001
АТ “Алокабанк”
Тошкент шахар
бош офици
МФО: 00401
ИНН: 200 471 723



Директор

Т.Жўраев

2022 йил “21” апрелдаги
40-сонли шартномага 1-илова

Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, кўйида имзо чекувчилар Сариосиё тумани "Боғча" ахоли пунктидан Шаҳрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл қуриш объектининг ишчи лойихасмета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил “21” апрелдаги 40-сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан 17 999 992 000 (ўн етти миллиард тўққиз юз тўқсан тўққиз миллион тўққиз юз тўқсан икки минг) сўмга тенг деб келишилганини таасиклаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб–китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструktion қилиш дирекцияси” ДУК
100000. Тошкент шахри,
Мустакиллик шоҳ кўчаси 68-уй.
Тел: (71) 237-32-04
x/p: 3045 1086 0262 6970 45 112 118 099
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Газначилиги Амалиёт бошқармаси
x/p: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН: 304 803666
МБ Тошкент шахар бўйича ББ ХКМ



Директор

Д.Юсупов

“Пудратчи”

“Сурхондарёйўлойиҳа” Институти МЧЖ
Термиз шаҳри,
Нодира кўчаси, 6-уй,
Тел: 93-790-97-77 (Навруз),
99-674-01-10 (Шуҳрат), 93-790-00-01
X/p: 2020 8000 9003 1188 7001
АТ “Алоқабанк”
Тошкент шаҳар
бош оғиси
МФО: 00401
ИНН: 200 471 723



Директор

Т.Жўраев

2022 йил "Октябрь" апреддаги
40-сонли шартномага 2-илова

Саринсөн тумани "Боғча" ахоли пунктидан Шахрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл қуриш объектининг ишчи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Киймати	Бажариш (Шартноманинг 1.4 банди асосида)		Молиялаштириш (Шартноманинг 2.3 банди асосида)	
			2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил
	Аванс маблази				2 692 498,800	
1	Топография ва геология ишилари, диагностика ишилари, Атроф мұхитга таъсир баёни (ЗВОС), АПЗ тайёрлаши, Лойиха-смета ишилари, Экспертиза харажатлари	17 949 992,000	17 949 992,000		15 257 493,200	
2	Муаллифлик назорати	50 000,000		50 000,000		50 000,000
	Жами ҚҚС билан:	17 999 992,000	17 949 992,000	50 000,000	17 949 992,000	50 000,000



Буюртмачи



Пудратчи

Ишчи лойиха - смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини
бажариш шартнома лойиҳаси бўйича

ЮРИДИК ХУЛОСА

(Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг
шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)

2022 йил

Тошкент ш.

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция
қилиш дирекцияси” ДУК (Кейинги ўринларда – Буюртмачи деб юритилади) ва
“Сухандарейўлойиҳа” институти МЧЖ (Кейинги ўринларда – Пудратчи деб
юритилади) ўртасидаги Сариосиё тумани “Богча” ахоли пунктидан Шахрисабз
тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км. узунликдаги йўл қуриш
объектиning лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳақидаги шартнома
войиҳаси (Кейинги ўринларда – Шартнома деб юритилади)ни Буюртмачининг
Юридик хизмати хукукий экспертизадан ўтказди.

Хукукий экспертиза натижасида куйидагилар аниқланди:

Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик
юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги
Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шу жумладан кодекснинг
37-боб талаблари ҳамда бошқа Ўзбекистон Республикаси норматив-хукукий
хужжатлари билан тартибга солинади. Шартномадан келиб чиқадиган ўз
мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун
тарафларнинг жавобгарлик меъёри Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик
кодексининг 24-боб талабларига мувофиқ келади.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги
ПҚ-98-сонли қарори, Тендер комиссияси йигилишининг 2022 йил 18 апрелдаги
баени (лот 57092) га асосан тузилган.

Мазкур хулоса Шартнома лойиҳаси шартларининг амалдаги конун
хужжатлари талабларига жавоб бериши хусусида берилди.

Бош юрисконсульт

 Ш.Батиров



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT
VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“LOYIHALAR VA IMPORT KONTRAKTLARINI KOMPLEKS EKSPERTIZA QILISH MARKAZI”
DAVLAT UNITAR KORXONASI**

2022-yil 18 ulloqam № 14/01-06/1-1432 100084, Toshkent, Amir Temur shoh ko'chasi, 107-B

**“Umumiy foydalanishdagi avtomobil
yo'llarini qurish va rekonstruksiya qilish
direksiyasi” DUK**

Tender hujjatini kompleks ekspertiza natijalari bo'yicha

XULOSA

Loyihaning nomi

Sariosiyo tumani “Bog'cha” aholi punktidan Shahrisabz tumani Kamar qishlog'iiga olib boruvchi 2-toifali 78 km uzunlikdagi yo'l qurish obyekti ishchi loyihasini (IL) ishlab chiqishga.

**Buyurtmachi arizasining
raqami va sanasi**

2022-yil 7-martdagи DI/05-371-sonli xati (Reg. raqami 34425).

Buyurtmachi

“Umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarini qurish va rekonstruksiya qilish direksiyasi” DUK.

**Loyiha amalga oshirilishi
uchun asos**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 22-yanvardagi PQ-98-son qarori. 2022-yilga mo'ljallangan manzilli ro'yxati.

Moliyalashtirish manbai

Davlat byudjet mablag'lari hisobidan.

**Loyihaning chegaraviy
narxi**

22 500 000 000 so'm, QQS bilan,
19 565 217 391 so'm, QQS siz.

**Ekspertiza o'tkazish
uchun asos**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 — yil 8 — yanvardagi PQ-3464-sonli va 2018-yil 20-fevraldagи PQ-3550-sonli qarorlari.


O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi huzuridagi "Loyihalar va import kontraktlarini kompleks ekspertiza qilish markazi" DUK "Sariosiyo tumani "Bog'cha" aholi punktidan Shahrisabz tumani Kamar qishlog'iga olib boruvchi 2-toifali 78 km uzunlikdagi yo'l qurish obyekti ishchi loyihasini (IL) ishlab chiqishga." obyekti bo'yicha tender hujjatining ish hajmlari va ularning narx parametrlari qismida takroriy o'tkazilgan kompleks ekspertiza natijalari bo'yicha e'tirozlar mavjud emasligi va davlat xaridlarini belgilangan tartibda o'tkazish mumkinligini ma'lum qiladi.

Buyurtmachi davlat xaridlarini maxsus axborot portalida, ommaviy axborot vositalarida va rasmiy veb-saytlarda tender (tanlov) o'tkazish to'g'risidagi e'lonni joylashtirish orqali qurilish pudrat tashkilotlarini keng jalg etilishini ta'minlashi kerak.

Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 11-iyundagi 261-sonli "Markazlashtirilgan kapital qo'yilmalar hisobidan amalga oshiriladigan investitsiya loyihalarini amalga oshirishda shartnomaviy joriy narxlarga o'tish to'g'risida"gi qarorining 1-ilovasi 4-bandiga muvofiq buyurtmachi tomonidan aniqlangan boshlang'ich qiymati tanlov savdolari (tenderlar) o'tkazishda yo'nalish hisoblanadi va pudrat shartnomasi (kontrakt) tuzish uchun asos bo'lib xizmat qilmaydi. Obyektning shartnoma qiymati o'tkazilgan tanlov savdolari (tenderlar) natijalari bo'yicha aniqlanadi.

O'z navbatida buyurtmachi haqqoniylit, ratsionallik, iqtisod tamoyillariga rioya qilish, moliyaviy mablag'lardan samarali foydalanish, shuningdek O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunda nazarda tutilgan xaridlarni amalga oshirishda shaffoflik va korrupsiyaga yo'l qo'yilmasligini ta'minlashga javobgardir.

M. Allabergenov




B. Xusanov

G'. Shodiyev



L. Do'smuhamedov



K. Raximbekov



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
хузуридаги Автомобиль иўллари кўмитаси



"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК буюртмачилигига Давлат бюджети маблағлари
хисобидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларининг
лойиҳа-қидириув ишлари бўйича
2022 йил учун

МАНЗИЛ РЎЙХАТИ

(2022 16)

(млн. сўм)

№	Лойиҳалаштириладиган обьект номи ва манзили	Лойиҳалаштириладиган обьект қуввати (мос қийматларда)	Курилиши шартлари бошланиш ва тугаш йили	Курилишнинг тахминий хисобланган умумий қиймати	Лойиҳалаштириладиган обьект типи, ИХ, ИЛ, ИЖ, ТХ	ЛЖининг обьектлар бўйича қиймати	2022 йил 1 январь ҳолатига бажарилган ЛЖИ	2022 йил 1 январь ҳолатига ЛЖИ нинг колдик қиймати	2022 йилда кутилаётган ЛЖИ	ЛСХ ларни буюртмачига тотшириш муддати (йил, ой)	Лойиҳачи учун асос, (тендер, танлов савдолари баёни № ва санаси, ВМ карорлари, фармойишлари, тотшириклари ва х.к.)	Лойиҳа институти номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	АЗ80 "Фузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 150-228 км қисмини реконструкция қилиш (цементобетон қопламали)	78 км	2021-2023	877 500,0	ТИА, ИХ	20 488,8	15 847,2	4 641,6	4 441,6	2019-2022 йил	ЎзР Президентининг 2019 йил 4 апарелдаги №7427-хх-сонли баёни	"Ўзйўлпойиҳа" ЛЖИ ДУК
2	4Р12 "Бектемир ш.-Чирчиқ ш.-Фазалкент ш.-Чорбог Қўргони" автомобиль йўлининг Чирчиқ шаҳрига кириш қисмida Чирчиқ дарёси устидан ўтвучи янги замонавий кўприк ва автомобиль тоннели курилиши	160 пм	2022-2023	114 271,8	ИЛ	3 040,9		3 040,9	2 888,9	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПК-98-сонли қарори, ВМ 02.02.2022 йдаги қарори	"Кўприккурилиш-лойиҳа" УК
3	4К-253а "Ислом Каримов шоҳ кўчасига" шаҳобча автомобиль йўлидан М39 "Тошкент-Термиз" автомобиль йўлига" уланувчи янги йўналишдаги умумий фойдаланишдаги 4 км автомобиль йўли ва 700 пм узунликдаги йўл ўтказгич қуриш	4 км	2022-2024	219 293,5	ИЛ	4 385,9		4 385,9	4 385,9	2022 йил	-98- 2022 22, 54632-09.04.2022	"Boshtransloyih" AJ
4	4Р74 "А-380 Фузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу а/йули-Учқир газ кони" автомобиль йўлининг 5,800 км.дан кесиб ўтвучи коллектор устида кўприк қуриш	73 пм	2022-2023	9 244,4	ИЛ	184,9		184,9	179,9	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПК-98-сонли қарори, 54610-сонли лот бўйича 28.03.2022йдаги танлов комиссияси баёни	"Йўлпойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
5	А-380 "Гузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 368,1 кмда "Ўнг қирғок" коллектори устидан янги кўпrik куриш	60 пм	2022-2024	33 385,3	ИЛ	667,7		667,7	662,7	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 54494-сонли лот бўйича 28.03.2022йдаги танлов комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
6	4Р48 "Зарафшон тракти" автомобиль йўлининг 270 км.дан М37 "Самарқанд - Бухоро – Туркманбоши" автомобиль йўлига уланадиган 3 км айланма йўлини куриш	3 км	2023	27 432,0	ИЛ	540,0	461,7	78,3	51,3	2021 йил 2022 йил	ЎзР Президенти 2021 йил 21-22 январдаги Бухоро вилоятига ташрифи 4-сонли (29.01.2021 й №02-РА1-2003) баёни, ВМ раёсати мажлисингин 27.04.2021йдаги 52-сонли баёни, Танлов ком-яси йиг-шининг 22.07.2021 йилдаги 194-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Вихого Geo Road proeкт group" МЧЖ
7	А376 "Қўқон-Жиззах" автомобиль йўлининг 246-252 хамда 273-282 км қисмини реконструкция қилиш	15 км	2023	130 000,0	ИЛ	941,5	805,0	136,5	89,4	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 239/1-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
8	4Р90 "Қарши ш. - Бешкент ш. - Қамаши қ. - Касби қ. - Косон ш." автомобиль йўлининг 9-11 км қисмини реконструкция қилиш	3 км	2023	34 000,0	ИЛ	516,3	390,7	125,6	102,7	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 238/1-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
9	А377 "Самарқанд - Айний" автомобиль йўлининг 9-36 км (1-босқич 34-36 км) қисмини реконструкция қилиш	2 км	2023	23 640,0	ИЛ	440,1	376,3	63,8	41,8	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 240/1-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
10	М39 б "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 59 км даги темир йўл устидан ўтган йўл ўтказгични реконструкция қилиш		2022	28 841,0	ИЛ	703,4	538,7	164,8	133,3	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисингин 11.08.2021йидаги 118-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 08.10.2021йидаги 237/1-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Ўзўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
11	4К92 "Андижон ш.-Нефтчилар шаҳарчаси-Тожикобод қ." автомобиль йўлининг 0-7 км қисмини реконструкция қилиш	7 км	2021-2022	43 798,3	ИЛ	834,0	699,0	135,0	98,2	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисингин 11.08.2021йидаги 118-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 08.10.2021йидаги 236/1-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"MIMAX-ROAD" МЧЖ
12	4Р2 "Тошкент шаҳри - Тўйтепа шаҳри - А373 автойўли (55 км) Тошкент ш. - Минерал сувлар сиҳаттохи - Абай қ. (Ўзбекистон Республикаси худудида)" автомобиль йўлининг 28,5-35,2 км қисмини қайта куриш	6,7 км	2021-2022	103 400,2	ИЛ	1 118,3	891,1	227,2	180,3	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов ком-яси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 241/1-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Ўзўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
13	4Р214 "Наманган ш.-Қозоқовул қ.-Косонсој ш." автомобиль йўлининг 0-13 км қисмини реконструкция қилиш	13 км	2021-2022	81 945,6	ИЛ	1 235,3	1 059,3	176,1	120,3	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисингин 04.06.2021йдаги 113-сонли баёни, Наманган вилоҳийининг 03.07.2021йдаги 03/06-26-сонли баёни, Танлов ком-яси йиг-шининг 08.10.2021йдаги 234/1-сонли баёни, Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
14	Сариосиё тумани "Боғча" аҳоли пунктидан Шаҳрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл куриш	78 км	2022-2026	1 270 833,3	ИЛ	18 000,0		18 000,0	18 000,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ЎзРесп Президенти ташрифининг 2021 йил 14 июндаги 02-РА-1-9900 (30)-сонли баёни, 57092-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Сурхондарёйўлойиҳа" институти МЧЖ
15	М39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" автомобиль йўлининг 817-827 км қисмини реконструкция қилиш	10 км	2022-2023	858 503,5	ИЛ	12 330,0		12 330,0	12 280,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, Танлов ком-яси йиг-шининг 30.03.2022йдаги 2/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
16	М396 "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 34-36 км қисми (Темур Малик кўчаси)ни реконструкция қилиш	2 км	2022-2023	292 686,5	ИЛ	5 400,0		5 400,0	5 350,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, Танлов комиссији йиг’шининг 30.03.2022йдаги 3/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
17	А380 "Ғузор - Бухоро - Нукус - Бейнеу" автомобиль йўлининг 315-490 км ва 581-812 км (шу жумладан 581-698 км) қисмини реконструкция қилиш	117 км	2022	2 336 000,0	ТИА	25 540,0	21 809,8	3 730,2	1 070,0	2021 йил 2022 йил	ПҚ-1103 22.04.2009 й. Ўз.Респ.През.админ. 09.10.2020 йдаги №02-2858 (73)-сонли баёни. Ўз.Рес. ВМ 2020 йил 19 ноябрдаги 144-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
18	4Р2 "Тошкент шаҳри-Тўйтепа шаҳри-А373 автойўли (55 км)" автомобиль йўлининг 4Р21 "Тошкент айланма автойўли" автомобиль йўли билан кесишган қисмida транспорт ечимини қуриш	300 пм	2022-2024	145 985,3	ИЛ	2 919,7		2 919,7	2 919,7	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 57166-сонли лот бўйича 14.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Ўзйўллойиҳа" ЛҶИ ДУК
19	4Р148 "4Р115 автомобиль йўли - Янгиқадам қ. - Учуй қ. - Олтиариқ շ. - Чимён қ. - Водил қ." автомобиль йўлининг 36-64 км реконструкция қилиш	28 км	2022-2023	142 761,0	ИЛ	2 853,0	1 982,1	870,8	53,0	2018 йил 2022 йил	Ўз.Р. ВМ 14.03.2017 й. 05-21-23-11 (48) -сонли баёни. Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Фарғонайўллойиҳа институти" МЧЖ
20	4Р112 "Фарғона ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 259-276 км қисмини реконструкция қилиш	17 км	2021-2023	88 541,7	ИЛ	2 075,4	1 880,0	195,4	171,5	2020 йил 2022 йил	ПҚ-2776 14.02.17й. ЎзР ВМнинг 09.09.2019йдаги №05-05/1-1741 -сонли баёни. Харид ком-ясиининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
21	М396 "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 36-41 км қисмини реконструкция қилиш	5 км	2021-2028	50 000,0	ИЛ	750,0		750,0	50,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори	Танлов
22	Тошкент вилоятида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон боғи" атрофидаги маҳаллий автомобиль йўллари ва йўл ўтказгичларни қуриш	3,5 км	2021-2022	150 000,0	ИЛ	2 499,9		2 499,9	2 449,9	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ВМ нинг 2021 йил 14 майдаги қарори	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
23	А380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш	5 км	2022-2023	29 000,0	ИЛ	213,1		213,1	213,1	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62673-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Oqavtojoljoybar" МЧЖ
24	А380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 752-753 км қисмини реконструкция қилиш	1 км	2022-2023	7 812,9	ИЛ	48,1		48,1	48,1	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62692-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Oqavtojoljoybar" МЧЖ
25	А380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 753-757 км қисмини реконструкция қилиш	4 км	2022-2023	47 850,1	ИЛ	300,0		300,0	300,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62698-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Oqavtojoljoybar" МЧЖ
26	Қамчиқ ва Резак тоннелларида ёритиш вентиляция ва ёғинга қарши курашиш тизимларини модернизация қилиш	объект	2019-2022	44 163,1	ИЛ	1 390,9	763,2	627,6	627,6	2022 йил	ВМ 31.05.16й. 05-05/83-8-сонли баёни, ВМ 26.11.21й. 05-05/1-466 (22)-сонли баёни	"Гидропроект" АЖ
27	А380 а "Бухоро ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 14,0 км, 16,0 км даги кўпприклини реконструкция қилиш	19,4 пм	2022	2 430,0	ИЛ	60,8		60,8	60,8	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
28	4К248 "Равот қ.-Ардахшон қ." автомобиль йўлининг ПҚ7+225 даги кўпприклини реконструкция қилиш	20 пм	2022	4 220,0	ИЛ	105,5		105,5	105,5	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
29	4Р92 "Қарши ш.-Толпикўргон қ.-Касби ш.-Жўйнов қ.-Помук қ." автомобиль йўлининг 28 км даги зовур кўпприклини реконсиркуляция қилиш	36 пм	2022	3 150,0	ИЛ	78,8		78,8	78,8	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
30	4Р56 "Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналидан ўтвчи кўпприклини реконструкция қилиш	41 пм	2022	2 500,0	ИЛ	62,5		62,5	62,5	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
31	4К621 "4Р107 автойўли-Сангардак қ." автомобиль йўлининг 8,7 км, 9,3 км, 10,7 км ва 13 км қисмларидаги кўпприкларни реконструкция қилиш	66 пм	2022	7 000,0	ИЛ	175,0		175,0	175,0	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
32	А373 "М39 автойўли-Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўллари 61 км даги (Гулистон-Охангарон йўналиши бўйича) Сирдарё кўпригини реконструкция қилиш	277 пм	2022	9 908,1	ИЛ	57,5		57,5	57,5	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
	Жами, шу жумладан:			7 220 097,6		109 957,2	47 504,0	62 453,2	57 449,3			
	ҚМИ дан олинган қисми								49 167,0			
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ўлчов тарозиларини ўрнатиш учун								1 813,6			
	Тақсимланмаган маблаг								69 904,1			
	Ҳаммаси			7 220 097,6		109 957,2	47 504,0	62 453,2	129 167,0			

"КИРИТИЛДИ"

Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини
қуриш ва реконструкция қилиш
Дирекцияси" ДУК

Д.Юсупов

2022 йил



"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

С.Садуллаев

2022 йил

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва
камбагалликни қисқартириш вазирлиги

А.Бобоев

2022 йил